

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**



**“ЎЗБЕКИСТОН БАНК ТИЗИМИНИ
ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ
ФУНДАМЕНТАЛ АСОСЛАРИ ВА
МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ”**

**МАВЗУСИДА ВАЗИРЛИК МИҚЁСИДА ЎТКАЗИЛГАН ИЛМИЙ-
АМАЛИЙ АНЖУМАН
МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ**

26 НОЯБРЬ 2021 ЙИЛ



ТОШКЕНТ- 2021

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
БАНК ИШИ ҲАМДА
БАНК ҲИСОБИ ВА АУДИТ КАФЕДРАСИ

УЎК: 336.7(575.1)
КБК: 65.26(50')

Такризчилар: **проф.З.А.Умаров**
 доц.З.А.Холмахмадов

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 мартдаги 78-Ф-сонли буйруғи ҳамда ОЎМТВнинг 2021 йил 6 мартдаги 122-сон буйруғининг 3-иловасига мувофиқ Тошкент молия институтида 2021 йил 26 ноябрда ўтказилган “Ўзбекистон банк тизимини трансформация қилишнинг фундаментал асослари ва механизмини такомиллаштириш” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами–Т.: ТМИ., 2021. – ____ б.

и.ф.д., проф. Т.З.Тешабаевнинг умумий раҳбарлиги остида

Таҳрир хайъати аъзолари: проф.С.Мехмонов, проф.А.Омонов, проф.Ш.Абдуллаева, доц.С.Арзуманьян, доц.У.Ортиқов, доц.У.Абдуллаев, доц.И.Раҳманов, доц.Ф.Холмаматов, доц.Ш.Давирова, PhD И.Жўраев, PhD Ш.Азимова, PhD Д.Муродова, А.Раҳматов, Б.Максудов..

Мазкур илмий маъруза тезислари тўпламида мамлакатимиз ҳамда хорижий иқтисодчи олимлар, тажрибали амалиётчилар, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, илмий тадқиқот институтлари ва марказларининг етакчи илмий ходимлари, докторант ва мустақил изланувчиларнинг илмий тадқиқот иши натижалари мужассамлашган.

Ушбу нашрда келтирилган барча маълумотлар ва фикр-мулоҳазалар муаллифларга тегишли бўлиб, таҳрир хайъати аъзоларининг фикрига мос келмаслиги мумкин. Нашрда келтирилган рақамлар, статистик маълумотлар, фикр-мулоҳазалар учун муаллифлар масъул ҳисобланади.

УЎК: 336.7(575.1)
КБК: 65.26(50')

аҳамиятига эга объектлардир

Хулоса урнида таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз жалб қилинаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини ошириш, хориж инвесторлари учун ишончли кафолатлар яратилиши ҳамда уларнинг ишончини мустаҳкамлаш мақсади қулай инвестиция муҳитини шаклландириб бериш зарур.

Электр энергияси саноатининг Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида тутган ўрни.

ТМІ таянч-докторант Каххаров Зухриддин

Пандемия энергетика саноатига катта қийинчиликларни келтириб чиқарди. Пандемия туфайли юзага келиши мумкин бўлган янги ходисалар ва ижтимоий шакллар энергия талаби ва истеъмолига таъсир кўрсатмоқда. Европа Иттифоқининг айрим мамлакатлари, хусусан Испанияда “қаттиқ локдаун” бошланган 2020-йилнинг март-апрел ойларида электр энергияси истеъмоли ўтган беш йилдаги ўртача кўрсаткичга нисбатан 13,49 фоизга камайиб кетганлиги кузатилган²³⁸. Ушбу даврий омиллар динамикаси ва оқибатларини юмшатиш чоралари аста-секин пайдо бўлади. Мазкур ҳолатлар дунё мамлакатларидаги электр энергия таъминоти субъектларида бухгалтерия ҳисобини тўғри йўлга қўйиш орқали уларнинг молиявий ҳолатини тўғри баҳолаш зарурлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда электр энергия таъминоти занжиридаги барча корхоналар йирик хўжалик субъектлари ҳисобланиб, уларнинг фаолияти иқтисодиётнинг бошқа барча корхоналари фаолиятига таъсир кўрсатади. «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ 2021 йилда Ўзбекистон Республикасидаги энг йирик 10 та солиқ тўловчилардан бири бўлиб, унинг тўлайдиган солиқлари давлат бюджети жами тушумларининг 1,3 фоизини ташкил этиши кутилмоқда.²³⁹

Иқтисодий ривожланишнинг прогноз динамикаси, иқтисодиёт тузилишининг ўзгариши ва унинг ўзига хос энергия истеъмоли самарадорлиги ўзгариш даражаси энергия ресурсларига бўлган келгуси ички талаб ҳажмини белгилаб беради. Электр энергетика сиёсатининг асосий вазифаси иқтисодиётнинг барча соҳаларида энергия тежовчи технологияларни жорий қилиш натижасида энергия сарфи ҳажмини камайтириш ҳисобланади. Ушбу вазифа бажарилмаса электр энергия

²³⁸ I. Santiago, A. Moreno-Munoz, P. Quintero-Jiménez, F. Garcia-Torres, M.J. Gonzalez-Redondo, Electricity demand during pandemic times: The case of the COVID-19 in Spain, Energy Policy, Volume 148, Part A, 2021, 111964, ISSN 0301-4215, <https://doi.org/10.1016/j.enpol.2020.111964>.

²³⁹ «Фуқаролар учун бюджет» 2020 лойиҳа. Молия вазирлиги. 2019-йил.